

Ma'rifat

معرفت MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 йил 4 апрель, шанба

№ 38 (5634)
Баҳоқис: обуначига 24 таьин, сотувда 60 таьин.

МИННАТДОРЧИЛИК ҲИССИ

ЯХШИЛИКДАН ИЗ ҚОЛАДИ

Бозор иқтисодиёти шароити туғайди аҳолининг маълум табақалари иқтисодий муҳофаза қилинишига муҳтож бўлиб қолганини аниқлаб етган Президентимиз бу йўлдаги зарур чора-тадбирларни кўрмоқда. Қуни кеча матбуотда эълон қилинган «Пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидоғи муассасалар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида»ги Фармон ҳам бу соҳада гоёт қувончли воқеа бўлди.

Халқ таълими ходимларининг иш ҳақи, шу жумладан, илмий ёш оқталаниш учун ҳар ойлик товоғ тўловлар 1,7 баравар оширилганини биз — ўқитувчилар мамнунийети билан қутиб олдик. Бу ҳуқуқимизнинг кам таъминланган иқтисодий табақалар даражасини тушуниб етиши ва чинакам раҳм-қўрлиқдан далолатдир.

Бу Фармон келажак эгаларини тарбияловчилар турмуш тарзини яхшилашга ва фидоқдорлик кўрсатиб ишлашга муҳим омил бўлди.

Биз — халқ таълими зиёкорлари ёш авлоднинг истиқлолга тайёрлашга, уларни билимли, ишбилармон, пок виждонли бўлиб етиштиришга бутун куч-гайратимиз ва тажрибамизни сафарбар этаверимиз. Таълим иншага жон-дилдан ёндашиб, унинг самарадорлигини оширишга ҳаракат қилаверимиз.

Барча зиёлилар қатори мактабимиз педагогик жамоаси ҳам янгилашни йўлидан дадил бориб, иқидий ишлайдилар, жумҳуриятимиз равангага ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб Ўзбекистон Республикаси раҳбариятини шонтираимиз.

А. ЗАРҚОРАЕВ,
Қамашчи ноҳиясидаги 70-ўрта мактаб ялмиш бўлим мудир.

Мен турли даврларни, турфа одамларни кўрганим. Коллективлаштириш даври дейсизми, уруш пайтино, тикланиш замонларини, шу кунларда уларнинг ҳаммаси бир-бир кўз ўнгимдан ўтиб туради. Чунки бири бирига ўхшамас ажойиб замонларни бошимиздан кечираялмиш. Аммо мен бу кунларни «огирчилик» кунлар, «қийинчилик» замонлар келди, деб айта олмаيمان. Одамлар орасидан «мехру оқибат кўтарилди...», «қадр» қиммат йўқолди...», деб баралла айтишим мумкин. Барчасига сабаб — уларнинг бардоси барҳам топганилиги, сабуру тоқети етишмаслигидир.

Очирини айтиш керак, ҳам-

...ЯРАШАДИ

маъининг усти бошимиз бутун, номиниз бор, шунингдек, сан муқтақилсан, эркин, озодлигинг ўз қўлингидир, деган номиниз ҳам бор. Аммо буни барча баробар тушунаёлти. Хей, одамлар, нега бунча шошласизлар, нега бунча бесаранжомсизлар? — деб баъзида ҳайқиргим келади. Мактабимиз эмас, мана биздан ўрганнинг яшамоклигини, меҳнат қилмоқлигини қачонлардир айтилган, «ишлавасанг тишламайсан» деган замонлар келди, ахир! Бизни, биласиз, ҳаттос

нафақа олиб ҳам тириб-тичимаймиш. Ўзим бир вақтлар тузган даставми, санъаткор қизилгинг бир ерга йиғганим, қариман, деб ўтиравермасдан ишлайми, юрта қизим қилайлик деб, Зобо Ғаниева номли ансамблда иш бошлаганим ҳам шундандир. Нарҳнаво кўтарилаётган бўлса, истеъмол молларига эҳтиж кучаяётган бўлса, қўлни қозутириб ўтирамаслик, замон оғир бўлди, деб ортинча гап-сузларни урчимаслик учун ҳар бир инсон, ватанпарвар замондош

масъулдир, ахир! Қолаверса, бунинг учун жонқур раҳбарларимиз бош қотирмоқда. Халқ тарафидан туриб, халқнинг гамини ейишмоқда. Қуни кеча эълон қилинган Президентнинг Фармони ҳам бунга далилдир.

Маданиятимиз равангага ҳисса қўшмоқлик учун энг биринчи галда иқтисодий мудофаланмоғи керак санъаткор. Буни чуқур англаган юрт пешволари ойлик-маош ва нафақаларимизни оширдди. Уйлайманки, бунга жавобан санъаткорлар иқидо ва ихтидорини янада пешлаб, она-халқга чин дилдан хизмат қилади.

Гавҳар РАҲИМОВА,
Ўзбекистон халқ артисти.

КАТТА ҒАМХҲҮРЛИК

Кейинги йилларда республика маорифи ишларини нига солиш, таълим-тарбиянинг асосий ўчоғи бўлган мактаб, ўрта ва олий ўқув юрлари фаолиятини кучайтириш, ўқувчи, талаба ва ўқитувчи-мураббийларнинг аҳолини яхшилаш борасида қатор ғамхўрликлар қилинмоқда. Яқинда республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг «Нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидоғи муассасалар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида»ги Фармони бунинг ёрқин мисолидир. Шу муносабат билан муҳбиримиз халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Ю. Н. Абдуллаев билан сўзлашди.

Муҳбир: — Юсуф Нейматович, бу Фармоннинг талабалар, ўқувчилар ва ўқитувчиларга, маориф ходимларига таъсири қандай бўлади?

Ю. Н. Абдуллаев: — Президентнинг янги Фармони ҳам халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган ходимлар учун катта тўхфадир.

Фармондаги қуйидаги сатрларда — «Олий ўқув юрлари талабалари, аспирантлар, докторантларнинг стипендиялари, кийим-бош ва оғакат билан таъминланмайдиган техникумлар ҳамда хўнара-техника билан таъминланган олий ўқувчиларнинг стипендиялари 1,5 баробар қўлга киритилсин, бунда илмий ёш оқталаниш учун ҳар ойлик қўшимча тўловларнинг аваллти миқдорлари ҳамда талабаларнинг ошхоналари ва буфетларда тушлик оғакатларнинг қийматида эллик фоизлик чегиртивлар сақлаб қолинсин» — жумҳуриятимиз ёшларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан қийналмай ўқушлари, қомил инсон бўлиб етишшлари учун шароит яратилиши кўрсатилган. Президент Фармонини жойларда тўлиқ ва илчл бажарилиши учун Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги махсус бўйрۇқ чиқариб, тадбирлар белгилади ва улар маориф ташкилотларига жўнатилди. Унда барча турдаги ходимлар маошини ва ўқувчилар, талабалар нафақаларини Фармонда белгилаган миқдорда ошириш тадбирлари, мабзалари муфассал ишлаб чиқилган, бажарилишини назорат қилишга масъул шахслар тайинланган.

Ўқитувчининг обрўси ва ҳурмати йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мана бир мисол: 1990 йилда уларнинг ўртача маоши 158,9, 1991 йилда 386,8, 1992 йилнинг бошида 773,6 Президентимизнинг маърузи Фармонидан кейин эса 1307,1 сўмини ташкил этади. Бу жумҳуриятимиз бюджетининг 4, 5 миллиард сўмини ташкил этади.

Муҳбир: — Фармонларнинг бажарилиши ва уларни назорат қилиш қандай аҳволда?

Ю. Н. Абдуллаев: — Фармонларнинг бажарилиши суст. Қўпгина жойларда назорат қилиш талаб даражасида эмас. Биргина мисол: уй-жойларни ўқитувчиларнинг шахсий мулк қилиб ўтказиш ҳақидаги Президент Фармони жойларда эллик фоиз бажарилиб, холос. Бу ишда ҳали ҳам қаршиликлар, тўраларча муомала мавжуд...

ОГИР ШАРОИТДАГИ МАДАД

Бозор иқтисодиёти даврида нарх-навоининг «сакраши» зарурий шарт бўлиб қолаверади. Ана шундай даврда Ўзбекистон халқи ҳам моддий қийинчиликларни бошидан кечириб турган гап. Биз бунни қувондиқ ҳаётимизда кўриб туришимиз. Аммо нима бўлганда ҳам, халқимиз чидамли, сабур-тоқатли ва меҳнатқаш. Одамлар шапалоқдек томорқасига у-бу экиб, кичкинагина отхонасида қўй-мол сақлаб туришчиликни ўтказаяпти. Хеч ким оч қолаётгани йўқ. Бунинг ўзи яхши яшайман, дейиш учун қамлик қилади. Муаллимларимиз

ҳам ана шу халқ орасида эл қатори юришибди.

Оғир шароитда маошимизнинг 1,7 баравар оширилгани айти мудоао бўлди. Муаллимларнинг моддий аҳолини тушуниб, имкониятлар қидираётган раҳбариятга, хусусан, Президентимиз Исмоил Абдуғаниевич Каримовга миннатдорчилигини билдирамиз.

М. МИРЗАЖОНОВ,
Андижон вилояти Избоскан ноҳиясидаги 26-ўрта мактабнинг олий тоифали муаллими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

МЕХНАТНИНГ ҚАДРИГА ЕТИЛАПТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонини ўқиб қувондик. Айниқса, Фармоннинг биринчи бадида «1992 йилнинг 16 мартдан халқ таълими... ходимларининг иш ҳақи, шу жумладан, илмий ёш оқталаниш учун олий товоғ тўловлари 1,7 баравар оширилсин» дейилишининг ўзиёқ халқ таълими фидойилари меҳнати удуғлиниши борасида қўйилган яна бир қадамдир. Ўқитувчи ҳам маънавий, ҳам моддий ердидан берилаётганини дилдан ҳис этиб турибди. Ҳар қандай ғамхўрликнинг азаллий ода жавоо қайтариш халқимизнинг азаллий ода. Ушбу тамойилларни эсда тутган ҳолда, келажак авлод таълими, тарбияси йўлида бор куч-гайратимизни ишга соламиз.

Дилором АСҚАРИВА,
Тошкент шаҳар Собир Раҳимов ноҳиясидаги 1-мактаб ўқитувчиси.

МЕХР БОР— ТАФТ БОР...

Президентимиз Исмоил Абдуғаниевич Каримовнинг олий маошимизни ошириш ҳақида бошқа илмий ёшлар берган хусусидаги фармонларни кўнгилда ниҳат қўриб юборди. Бундай эътибор, иззат ва қўмак дилимизга шуур бағишлаб, га-

ратимизга рағбат қўшмоқда. Боғамиз жамоаси масала шайтириб олди. Эндилда янгилаш ишламоғимиз, муқаддас, Ўзбекистон Республикасига мос фарзандлар тарбияламоғимиз лозим. Шунинг учун биз дўмбоқчаларимизни янада

меҳр билан парваришлаб тарбиялаш учун қўлаб ишларини амалга оширмоқдамиз. Моддий ва маънавий рағбатлангирланган тарбиячиларимиз гоёт кўтаринки руҳда меҳнат қилишмоқда. Уларнинг қўнгли нечоғлиқ шод бўлса, жажжи инсонларга бўлган меҳр, эътибор

ҳам шу даражада яхши бўлади. Болаларнинг шод-хуррам қўраётган ота-оналар биздан рози бўлмоқдалар.

Р. БОБОВА,
Наманган вилояти Уқуғрой ноҳиясидаги 2-ўғил болалар боғчаси мудираси.

ТУРКИЯ САФАРИДАН ҚАЙТИБ

«ТААССУРОТЛАРИМ ЁРҚИН...»

Яқинда иқидий гуруҳ сафида таниқли тилшунос олим, Тошкент давлат дорилфунун ўзбек филологияси куллиятининг декани, профессор Иристой Қўчқортоев Туркия сафаридан қайтди. Муҳбиримиз у билан Туркия мамлакатининг турмуш тарзи, олий таълим тизимининг эътиборга молик жиҳатлари тўғрисида сўзлашди.

Муҳбир: — Сафар таассуротларингиз тўғрисида рўзномамиз муштарийларига сўзлаб берсангиз...

Иристой Қўчқортоев: — Ўзбекистон олимлари, иқидор элчилари, давлат арбобларидан иборат иқидий гуруҳнинг Туркияга сафари ҳаммамизда ёрқин таассурот қолдирди. Бу меннинг қондошларимиз юртга учинчи сафарим бўлди. Шунинг учун ҳам туркларнинг турмуш тарзи, иқтисодий ва маданий ҳаётига оид аввал кўрган-билганларимни бу галги-си билан таққослаш имкониятига эгаман.

Туркия тупроғига қадам қўйилгани биланоқ иқтисодий жиҳатдан тўғил ва моддий бойликларнинг қўлтиги кўзга аққол ташланади. Дўконларда, бозорларда ниҳоятда моллар кўп, хилма-хил ва сифатли. 1989 йилда ҳам шу манзарани кўзатган эдим. Бу Туркия давлатининг турмуш юксак даражада эканлигини, иқтисодий барқарорлиги мавжудлигини далолат беради. Тўғри, ҳозир баъзи буюмлар 1989 йилдагига нисбатан бирмунча қийметлашган. Лекин инсталган нарсани ҳеч қийнамай топиш, наваб кутмай сотиб олиш мумкин.

Дўконларда ҳам, бозорларда ҳам харidorларга хизмат кўрсатувчилар гоёт оддийлиги ва хўшмуомалалиги билан кишини хўшуд этади. Харидорга керак нарсани топишда ёрдам беришади. Агар сотувчи таъсия этган буюمنى олмасангиз, сотувчи бундан оринмайди, табиий бир ҳол деб қабул қилади.

Мен туркияликларнинг Ўзбекистонга, Ўрта Осиёга, бу ерда яшовчи туркий халқлар ҳаётига гоёт қизиқиб қарашига эътибор қилдим. Улар ўз аждоқлари бир вақтлар Сирдарё бўйларида яшаган, Туркияга мана шу жойлар-

вомида талабалар, ўқитувчилар билан бир неча марта сўзлашдик. Ўқитувчиларнинг ўз вазифасига, касбига масъулият билан қарашини, талабаларнинг билим олишга қизиқлишини, аниқ фикрлашга интилишини менга ёқди. Бу дегани, туркияликлардан сифатли кадрлар тайёрлаш борасида атроғлича ўрганиш лозим бўлган жиҳатлар анчагина экан.

М.: — Қабул илтиҳонларини ўтказиш тартиби билан ҳам қизиқдингизми?


И.Қ.: — Туркия олий ўқув юрларида қабул қилиш тартиби биздагидан тамоман фарқ қилади. Қабул илтиҳонлари, тўғрироғи, қабул синови бир кунда тестлар асосида ўтказилади. Кейин жавоблар компьютерлар ёрдамида баҳоланади. Тўпланган балларга қараб кирувчилар илтиҳослар бўйича тақсимланади.

М.: — Мутахассис кадрлар тайёрлашда улардан нималарни ўргансангиз арзийди, деб ўйлайсиз?

И.Қ.: — Туркиянинг олий таълим тизимида ўрганишга, бизнинг таълим тизимимизга тадоиб этишга лоийқ ўринлар анчагина. Лекин мен бу билан бизнинг олий таълим тизимимиз ҳеч нарсага ярамайди, демоқчи эмасман. Олий ўқув юрларида, хусусан, дорилфунунларимизда талабаларга чуқур билим беришга, ҳар қайси ўқув курсининг назарий жиҳатларига катта аҳамият берилади.

Шундай бўлишига қарамай, биз улардан таълим-тарбия беришни баъзи ташкилий, дастурий жиҳатларини ўргансангиз, ҳеч нарса йўқотмаймиш. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, бизнинг турк ҳамкасбларимиз билан ўрнатадиган алоқаларимиз устоз ва шогирд муносабатлари тарзида эмас, балки ҳамкорлик муносабатлари тарзида олиб борилиши керак.

М.: — Самимий сўзбатингиз учун ташаккур! Сўзбатдош Зубайда УСМОНОВА.



Пахтакор ноҳиясидаги 3-мактаб ўқувчилари бу йил баҳорда илч маскани атрофида турли хил мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазибди. Ҳали ҳосилга киришга эрта бўлса-да, болалар ўзларни парваришлайётган ниҳолларнинг кундан-кунга бўй қўзаётганидан хурсанд.

9-синф ўқувчилари Бобобомурод Мусурмонов, Дилноза Шарипова ва Ҳафиза Қўшмуродовалар кўчат парвариш қилишда фаоллик кўрсатганлардан.

У. ҚУШВОҚОВ
суратлари.



Дил ҳайқуриғи

БИЗ СЕН БИЛАН, «МАЪРИФАТ»!

Олтимиш бир йиллик қадридонимиз, доно маслаҳатчимиз «Маърифат» энди ҳафтасига икки марта чиқади (28 март, 1992, 36-сон) деган нохуш хабарни эшитиб, бир томимиз эзилгандай бўлди.

Ҳой, барак топгулар, рўзнотамиз ҳафтасига уч марта чиқариш учун озмунча куч сарф қилинмайдими? Бу — жумҳуриятдагина эмас, Ўрта Осиё ва Қозғистонда ҳам унинг ҳар сони орзиқиб қутилдиган халқ маорифи, улус таълими наشري-ку?! Ўз номини ўзи билан маърифат тарқатувчи халқ газетасининг бир сонини йўқ қилиш роса уч кунлик таълим-тарбияни барбод қилиш билан баробар эканлигини ҳис қилайлик.

Азиз ҳамкасблар, жамоатчи муҳбирлар, тарбиячи ходим ва ота-оналар, келинг, ақлнинг кўзи, дононинг сўзи бўлмиш маслақдошимиз тақдирини ўйлайлик.

Халқ бир муштдан урса ўлдиради, бир бурдадан берса тўйдирди. Ҳозир биз ойнага йиғирма — ўттиз сўмлик турли аъзолик бадаллари, турли фондларга жириганиб пул тўлаш кабили турғулик йиллари кўрсурларидан ҳолимиз. Шу боис мен ўз ҳисобимдан

ЯНГИ БОҒЧА

Шофиркон ноҳиясидаги А. Навоий номли жамоа хўжада маданий-маънавий ишларга катта эътибор берилмоқда.

Қуни кеча хўжаликнинг Додбони қишлоғида икки қаватли янги болалар боғчаси ишга тушрилди. 150 нафар жажжи ўғил-қизни ўз бағрига оладиган бу тарбия маскани барча қулайликларга эга. Малакали тарбиячилар эса ёш авлод тарбиясини зўр мамнуният билан бошлаб ибордилар. Келг спорт зали, мусика хонаси, широйли қилиб безатилган ўйин хоналари ва сайр майдончалари болаларнинг шўх қийриқларига тўлиб келди. Қишлоқ меҳнатқашлари оилалар яратилган бундай қулайликдан ниҳоятда хурсанд бўлдилар.

Одилжон ЭҒАМБЕРДИЕВ,
Андижон ноҳиясидаги С. Тўрахонов номи 14-ўрта мактабнинг биринчи тоифали муаллими.

ТАҲРИРИЯТДАН: САХОВАТЛИ МУШТАРИЙЛАРИМИЗГА МИНГ БОР ТАШАККУР! ЭСЛАТИМИЗ: БИЗНИНГ БАНКАДАГИ ҲИСОБ РАҚАМИМИЗ — 100609809, КОД — 172682315, ПСБ — МЕХНАТ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ. «МАЪРИФАТ» РЎЗНОМАСИ УЧУН, ДЕБ ЕЗИШИНИГИЗИ СУРАЙМИЗ.

Х. ТОХИРОВ,
Ноҳия халқ таълими бўлими услубшуноси.

ХУЖЖАТНИ КУТЯПМИЗ...

Мен 1989 йилнинг апрелида жумхурият ўқитувчилар малазасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институтига бўлиб, Тошкентдаги 45-кўча ўрта мактабининг иш тажрибаларини кузатганим. Бу мактабдаги ўқувчиларни касбга йўналтириш усули бизга жуда манзур бўлганди, чунки кичик тиббий ҳамшираси болалар болгаларининг тарбиячилари энг оммабон, зарур касблардан ҳисобланади.

Мен уйга қайтганда, ана шундай мактаб очишга жазм эдим. Мактабни очишдан олдин ҳалқ депутатлари Жарқўрғон район Совети ижроия қў тасиди 1989 йил 30 августда 229/11 рақамли рухсатнома олдим. Саққизинчи синфни тугатган ўқувчилардан иккита синф очдим ва район шифохонасидан тажрибали мухассисларни жалб эдим. Район ижроия қўмитасининг қарорини шифохона бош шифокори Х. Маматқуловга кўрсатдим ва у киши кечки мактаб учун тажрибали шифокорларни ажратди. Ҳозир улар мактабда факультатив дарслар ҳисобидан дарс ўтишмоқда.

1990 йил 21 декабрда Ҳалқ таълими вазириликда кечки мактаб ўқувчиларининг икки кунлик семинарида кечки мактабда 1119 соат ҳажмда дарс ўтилса, тиббий ҳамшираси ва болалар тарбиячиси деган гувоҳнома берилди, деган фикр айтилган. Шунингдек, ўшанда махсус гувоҳнома ҳам кўрсатилган. Бизнинг мактаб ўқувчилари уч йил давомида 1230 соат назарий билим олиш билан бирга 1370 соат амалий машғулотлар ўтказишди. Мен 1989 йилдан бери ўқувчиларга мухассислик тўғрисида гувоҳнома берилди, деб ишонтириб юрибман. Ҳозир 74 ўқувчи кичик тиббий ҳамшираси бўлиши керак, шу ҳужжат масаласи бўйича сурасам, шифохона бош шифокори Х. Маматқулов елка қисади. 40 дан зиёд ўқувчимиз шифохоналарда, тиббий пунктларда гайрат-шижоат билан ишлаб, кечқурун кечки мактабда ўз билимларини оширишмоқда.

Ўқув йили тугашига икки ой қолди. Энди ўқувчиларга гувоҳномами ким беради?..

Р. ТУХЛИБОВ, Сирдарё вилояти Жарқўрғон ноҳиясидаги 1-кечки мактаб директори.

Бошланғич таълим ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг асоси, умумий таълимнинг пойдевори, инсон камолоти тизимининг йўналтирувчи энг муҳим босқич ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мактабни қайта қуриш йўналишлари ишлаб-мухассисларнинг асосий диққат-марказида турибди. Миллий бошланғич мактаб қандай бўлиши керак? Бунда таълим-тарбиянинг маъмури, шакли ва мундарижаси қандай асосларга таяниши лозим? Болаларнинг билинча қизиқиши, ихтиёрлиги натижаси ва фаолиятини йўналтириш билан таълимнинг асосий эътиборини йўналишга қаратиш зарур? Дастурлар ва дарсликлар ҳамда таълим жараёни қай тарзда ўзгарди? Ана шу каби саволларга аниқ жавоб бера оладиган Ўзбекистон бошланғич мактаби йўриқномаси (концепциясини) яратиб устидан Т. Н. Қорни-Нисеянй номидан Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтини олимлари ҳам жиҳдий ишлаб олиб бориб, маълум натижаларга эришилди.

Яқинда мухбиримиз мақсур институт бошланғич мактаб бўлимининг мудири Қумри АБДУЛЛАЕВА билан келажакда бошланғич мактаблар қандай шаклланиши ҳақида суҳбатлашди.

— Қумри Абдуллаева, эшитганимизда, Сизнинг раҳбарлигинида бар гуруҳ олимлар «Тўрт йиллик бошланғич мактаб йўриқномасини» тузиб, муҳомададан ўтказибсанлар. Айтинг-чи, мақсур йўриқнома (концепция) бўйича бошланғич мактаб таълим-тарбия тизимида қандай ўзгаришлар бўлади?

— Муस्ताқил жумхуриятнинг миллий мактабига миллий таълим муносибдир. Миллий таълим ва тарбия бериш ишларида бошланғич синфларда асос солиниши ва шакллантирилиши керак. Йўриқномами ишлаб чиқишдан асосий мақсад ҳам ана шу. Унда миллий мактаб қиёфасини замон талабларига мос, янги маъму, янги шакл ва мундарижага эга бўлишини таъминлаш, янги маъму ва таълим қиёфага мунанд келиши кўзда тутилган.

Маълумки, жумхуриятимизнинг келажак равақи бугунги ёш авлод тарбиясининг қандай бўлишига қўл жихатдан боғлиқдир. Келажак истибод режасини янгича фикрлаш, идрок этиш учун ўтмишга назар ташлашдан бўлмайди. Бунис ўзининг англаш, нуқсонларини тан олмай, уларни бартараф этмай, равои йўлни топиш қийин. Ҳозир дастурлар, дарслик ва қўлланмалардаги миллий руҳини етишмаслиги, улардаги матнлар болаларнинг ўта эътиборини қўлиб олиб келмаётгани эндиликда сир эмас. Шу билан бирга кейинги даврлар таълим тармуш таримисидан четлашиб бораётган кўпгина яхши инсоний фазилатларини (саов иш қилиш, исноф, тоғрифил бўлиш, одамгарчилик, меҳр-шафқат, оқибат, ҳалоллик, бурч ҳисси кабилари) тиклаш пайти келди. Йўриқномада биз ана шуларни ҳам кўзда тутиш. Буларни эътиборга олиш қўлим бўлмайди.

Ўқув режасида янги маъму кашф этувчи «нур одоби», «қиратхонлик дарси», «хаттолик санъати» сабоги, «нафосат тарбияси» кабилар ўрич олди. Баъзи

ички ва ташқи миллий туйғулари тарбиялаш кўзда тутилди.

Йўриқномада болаларнинг руҳий ҳолатини, имкониятларини ҳисобга олиб, уларга ёндашиш ҳамда таълим жараёнида асосан натижасига эмас, балки жараёнини ташкил этиш кўзланайтир. Жараён — ёш болаларнинг ўсиши, ривожланиши, камолга етишувида таъсир этувчи омил. Шунинг учун уни тўхтовсиз, уйғун маъмусини ташкил этиш зарур.

Ҳозир қайта қуриш, миллий уйғунлиқ шариоитда муқтаил Ўзбекистон халқининг моддий, маънавий ҳаёт тарз шаклланаётган даврда ўқувчиларнинг асосий вазираси ёш авлодинг олги, интизомли, юксак меъданиятли, миллий гурурли қилиб тарбиялашдан, уларда ватанпарварлик, байналмилаллик, фуқаролик бурчини ҳис этишдек зарур сифатларни муассамлаштириш муаммоларини икбий ҳал этишдан иборат бўлмоғи лозим.

— Йўриқнома (концепция)да миллий бошланғич мактаб тузилишига ҳам

— Қумри Абдуллаева, миллий бошланғич мактабдаги таълим-тарбия жараёнининг бош ижроси муаллимдир. Шу жиҳатдан йўриқномада бошланғич синф ўқитувчисини қандай бўлиши кўзда тутилмоқда?

— Жуда ўринли савол. Таълим-тарбия ишларида қандай ўзгаришлар қилинмасин, унга мос, яхши усуллар тайланмасин, янги йўналишларни амалга ошириш режалаштирилмасин, бу ҳамма муаммоларнинг ечими ўқитувчига боғлиқ. Шунинг учун йўриқномада бошланғич синф муаллимининг зиммасига мураккаб вазибалар юкланди. У ўқув дастурига киритилган барча предметларни ўқитиш, ўқувчиларнинг бу предметлар бўйича ўта саводхон бўлишини учун жавобгардир, яъни маъсулдир.

Шунингдек, ўқитувчи биринчи синфдан бошлаб ўқувчилар тафаккурини изчиллик билан ривожлантиришга алоҳида эътибор бериши, таълим жараёнини ташкил этиш ва тўғри йўналтириш учун ўзида аниқ мақсад, ўз ишига ишонч, муқтақиллик, икбий излана оладиган ва ирода сифатлари муассамланган бўлиши керак.

Бошланғич синф ўқитувчиси ўз хатти-ҳаракатлари, болажонлиги, одийлиги ва одиллиги, самийий муносабатлари, ширинсухандлиги билан кичкинтойларнинг меҳр-муҳаббатларига сазовор бўлиши лозим.

Бошланғич синф муаллимининг ҳамма фанлардан дарс бериш аънасини қайта тиклаш, уларнинг касб хусусиятларини ҳисобга олиб, болалар тақдирини ҳал этиш маъсулиятларини янада ошириш ва уларга имтиёзлар бериш зарур. Токи ўқитувчи тарбиячи эканлиги эътиборга олиниши, унга шу нуқтадан назардан қаралиши, таълим-тарбия ишларини бош тизимини унга ўтказиш ва ундан мукамал шахс камолотини талаб этиш йўриқномада мақсад қилиб қўйилган. Фикримизча, бу босқичда фаолият қўрсатадиган муаллим келажакки, болалар истиқболини аниқ кўра олиш мақоратига эга бўлиши керак.

Умуман, ҳозир йўриқнома (концепция) лойиҳаси пишиқтирилмоқда. Унга ҳали бир қатор ўзгаришлар киритилиши табиий. Шунинг учун жумхуриятимиз мактабларини яқинда бошланғич синфларнинг икбий-амалиётчи ўқитувчилари, услубчилари ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини институтимизга йўллаб, йўриқноманинг тўлақонли тизими шаклланишида бизга ёрдам берадилар, деган умиддамиз. Чунки мактабимиз истиқбол — бу ҳаммамизнинг эъгу ниятимиздир.

— Маъмурий суҳбатининг учун раҳмат.

Суҳбатни М. РАҲМОНОВ олиб борди.

МИЛЛИЙ БОШЛАНҒИЧ МАКТАБ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

мига фақат сифатий баҳо қўйилди. 3—4-синфларда уй балли баҳо тизими қўлланади: 5 (аъло), 4 (яхши), 3 (ўрта).

Бошланғич ёмон баҳо қўйилмаслигининг олди олинди. Яъни ўқитувчи уларга дарс жараёнида пишиқтукта билми, малака беради ва уларнинг тўлиқ ўзлаштирилиши таъминланади. Дарс машғулотларида кейин эса болаларнинг қўбиллиятларига қараб турли «тартиқларга» қатнашилари, меҳнат малакаларини эгаллашлари кўзда тутилди. Шунингдек, уларга уй-рўзгор ишлари қандай бажарилиши ўргатилади ва болаларни ҳаётга тайёрланади.

Таълимнинг асосий мақсадлари ҳақида ҳам фикр баянланган.

— Асосий мақсад — бошланғич таълимни инсонпарварлаштириш орқали болаларнинг тўлиқ ўқув фаолиятини ташкил этиш, энг муҳим олишга қизиқиш, хоҳиш, ихтиёр уйғота олишдир.

Кичик ёндаги мактаб ўқувчилари учун таълим фаолият бошқарув аҳамиятига эга бўлиб, унда болаларда ўз-ўзини англаш, гурур,

фаолият учун шароит яратиш, уларни икбий диққ қўриштиришга даъват этиш учун мос восталарни тайнлай бишли муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Биз кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини, яъни биринчи синфда дастлабки ойлар чоракларда китоб билан боғлаб қўймасликни мақсад қилдик. Сабаби — тиббий, педагогик ва руҳшунослик бўйича ўтказилган илмий-тадқиқот натижаларига асосланиб, шунингдек, улуг олим Ибн Сино ва бошқа алломаларнинг педагогик қарашлари асосида болаларни кўпроқ амалий машғулотлар билан тарбиялаб, сўнг таълим ишига ўтмоқчимиз.

Дарслик, қўлланмалар ҳам бутунлай ўзгартрилиди. Улар миллийлаштирилди. Орғичча ўринлар қисқартирилди, болаларнинг ишлашлари учун қўлай ҳолда қисмларга бўлиб, кийизқили топириқлар берилди ва ўғил-қизлар динига мос ҳолда беазок берилди. Шунингдек, хадислар, ҳалқ педагогикаси ўғитлари, ҳикматли сўзлар, ҳалқ озаки икбийнинг намуналари дарсликлардан кенг ўрин олади.

МУВАҚҚАТ ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ
Ўзбекистон Ҳалқ демократик партиясининг Андижон шаҳар ташкилотни мажлислар залида ҳалқ таълимни кодимилари соҳасидаги маъкур партия аъзоларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишида шаҳар ҳалқ таълимни бўлимининг мудири А. Абдураҳмонов «Ёш авлодин тарбиялашда ХДП аъзоларининг бурч ва вазибаларни» мавзусида маъруза қилди.



Тошкент шаҳар ҳалқ таълимни бош бошқармасида Наврўз айёмига бағишлаб ҳалқ таълимни фахрийлари билан учрашув бўлиб ўтди. СУРАТДА: учрашув қатнашчилардан бир гуруҳи. А. ЧАПЛИГИНА тасвири.

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ
Ҳозирги замон шароитида уруш ва тинчлик муаммоси. Кўпгина одамларнинг ҳалокатга олиб келадиган, зуравонлик ва ҳужумкорлик қайфиятини келтириб чиқарадиган урушларни барча тарихий даврлардаги инсонпарвар мутафаккирлар қоралаб келганлар. Шу билан бирга уларнинг қўллари Ш. Фурьегга эргашиб, уруш — инсониятнинг доимий йўлдоши, деб таассуф билан таъкидлашга мажбур бўлган эдилар. «Урушлар, инқилоблар Ер курашининг барча бурчларини доимо қамраб туради; эндигина даф қилинган ғавғолар янада зўр куч билан такрорланаверади. Тинчлик — бир неча дақиқадан иборат ялт этиб қўрнган ёрду, оранкиб қўтилган тушгина, холос», — деб ёзган эди ушбу француз утопик социалисти. Ҳақиқатан ҳам, бизга маълум бўлган тарихнинг тўрт миң йилдан кўпроқ даврининг фақат салкам уч юз йилгина тўла тинчлик билан ўтган. Қолган бутун давр мобайнида Ер юзининг у ёки бу жойида уруш алаңгаси авж олиб турган.

диклар тобора кўп қилиб кетмоқда. XX аср тарихга неча ўнлаб мамлакат ва миллионлаб кишилар қатнашган икжита жаҳон уруши бўлиб ўтган давр сифатида кирди. Масалан, иккинчи жаҳон уруши гирдобига 70 дан ортқ давлат тортилиб, жами 55 миллион киши ҳалок бўлди.
Мабодо учинчи жаҳон уруши бошланса, кўпгина олимлар ва сийсий арбобларнинг фикрича, инсоният цивилизацияси тарихига фожияли хотима берилди. АҚШ, МДХ ва бошқа мамлакатлардаги тадқиқотчиларнинг ҳисобикитоблари ядро урушининг оқибатида бутун жонжод учун энг ҳалокатли бўлган «ядро зиймоноти» бошланғич эҳтимоли ҳам йўқ эмаслигини кўрсатмоқда. Ядро қуролидан фойдаланиш натижасида биринчи навбатда ҳужумнинг бош объекти бўладиган шаҳарлар осмоннинг ёруғлиги ўтказмайдиган қоп-қора қўрум булдулари қоплаб олади. Сўнгра қора парда бутун Ер юзини тамомила қамраб олади. Зим-эин туш бошланғич, ҳаво жуда совик кетади. Ер текзорлик билан совий бошлайди. Йқлим шароити кескин ўзгариб, биоферода тўхтаиб бўлмайди деган жараён бошланади. Шу тарзда уруш оқибатлари унда бевосита қатнашмаган одамлар учун ҳам ҳалокатли бўлади. Мабодо ядро уруши бошланса, бу уруш ҳаммининг тақдирига тааллуқли бўлади. Бинобарин, бу урушнинг олдин олиш инсониятнинг глобал муаммосидир.

— умуминсоний кадритлар устуворлигини тан олиш, инсон ҳаёти ва тинчликни башариятнинг энг олий қадрияти деб бишли;
— низоли масалаларни ҳал этиш востиси сифатида урушлардан воз кечиш, барча ҳолларда низолар ва муаммоларни ҳал этишининг сийсий йўллариини ҳормай-томай излаб топиш;
— халқларнинг ўз тақдирларини эркин ва муқтақил танлаш ҳуқуқларини тан олиш;
— ҳозирги дунёни одамларнинг яхлит ва ўзаро боғлиқ ҳамжамияти эканлигини англаб олиш.
Янги сийсий тафаккур қалқаро муносабатларининг янгича амалиётига йўл очиб бермоқда. Аввало МДХ билан АҚШ нинг қўрол-арғорларни қисқартириш соҳасида сарфлаётган куч-ғайратлари ҳозирок ўз аниқ самараларини бермоқда. Ер юзининг ҳар қандай жойида вужудга келмаётган ҳар қандай агрессияга миллиятлар ҳамжамияти яқинлик билан зарба бераётди. Халқлар ўртасидаги ишонч ва ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланмоқда. Мустаҳкам ва ишончли тинчликка олиб борадиган йўл узоқ, лекин бу йўлдаги дастлабки энг қийин қадамларни қўйишга эришилди.

МАКТАБЛАРИМИЗ ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА
Кейинги йилларда қайта қуриш жараёнининг таъсирини, жумхуриятимизнинг муқтақиллик йўлидан умидли ташлаётганлиги умумтаълим мактаблари олдинга билимли, қўбиллиятли ёшларни тайёрлаб чиқариши деген муҳим вазибаларни қўймоқда. Биз бир неча ўн йилликлар давомида марказдан берилган дастур ва кўрсатмалар асосида мактабларда ўқувчи ёшларнига Оврупос ва Россиядан кўчириб олинган дарсликлар асосида билан беришлар, уларни бундай кўрсатмалар асосида тарбиялашга ҳаракат қилдик. Ана шу тарихда бутун тузумий таълим мактаблари таълим-тарбия жараёнида чукўр илдиз отган танглик ҳолати жумхуриятимиз ҳалқ маорифига, шу жумладан умумтаълим мактабларига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказди. Чикшиш учун 80-йиллар бошларида партия ва ҳукумат идоралари ҳалқ маорифига раҳбарликнинг янги тизимларини, уларни тақомиллаштириш йўлларини ишлаб чиқиб, ҳаётга тадбиқ этишга ҳаракат қилдикларим, бу ҳаракатлар ўзининг қисман фойдасини ҳам бера бошладилар. Бироқ мақсад ислохоти баробор бўлди. 1988 йилнинг февралдан бошланган ҳалқ маорифини шу жумладан мактабларни қайта қуриш ишларининг кенг миёсда бошланғичи туфайлигина бу соҳаларда икбий сиқиллар сезила бошланди. Қайта қуриш сийсати тўлиқ амалга олмаган бўлса ҳам, кўпгина соҳаларда ва, айниқса, умумтаълим мактабларининг таълим-тарбия жараёнида ўзининг икбий натижаларини бера бошладилар. Мактаблар моддий-техника базасини мустаҳкамлаб борилаётганлиги ўқитувчи кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг роли, мавқеи ҳамда турмуш шароитини яхшилаш борасида қилинаётган ишлар ва бундаги камчиликлар аниқ мисоллар асосида таҳлил қилинган.

Ушбу китоб камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Агар муаллим китобда бугунги янгилашнинг даврида мактаблардаги, таълим-тарбиядаги бўлаётган демократизлашув ва инсонпарварлашувни, миллий йўлчиликларнинг тикли этилаётганлиги, икбий ўқитувчиларнинг қўбиллиятини, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларининг янгилашнинг ҳамда республика ҳукуматининг ўқитувчилар мавқеини, турмуш маданиятини яхшилаш борасидаги гамхўрликларни, бугунги кунда миллий мактаб муаммоларини ечим учун қилинаётган ҳаракатларни, миллий мактаблар тизимини йўлга қўйиш борасидаги изланишларни кўпроқ мисоллар асосида кўрсатиб берганида, республика ҳукуматининг мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларига қилаётган гамхўрликнинг бошқа республикалар билан таққослаганда ва шу билан бирга айрим бетларда берилган рақамлар муаллиф ҳулосаси билан очиб берилганда ҳамда ушбу монография ўзбек тилида босилиб чиққанда, унинг аҳамияти яна ҳам ошган бўлур эди.

Умуман, монографиянинг мутахассислар, илмий, ҳалқ маорифи кодимилари ва китобхоналар оммасига етиб борадиган кувонари қўллар. Ушбу китоб ҳалқ маорифи соҳасида ўтмишимизни билди ва келажакка яхши ниятлар билан қадам ташлаш учун хизмат қилади, деган умиддамиз.

С. СОДИҚОВ, тарих фанлари доктори, профессор.
И. ТУРСУНОВ, педагогика фанлари номзоди.



МАЪРИФАТ

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



Эй фарзанд, агар мунажжим (юлдузшунос) бўлмоқ истасанг, ҳаракат қилиб риёзиёт (математика фанига тегишли) илми устида кўпроқ машаққат чекгил, чунки илми аҳком (ҳукмлар) яхши илмдур, уни батамом билиб бўлмайду ва уни тўғри билгон, хато қилмагон одам йўқдур. Аммо, ҳар ҳолда, аҳком илмининг самараси бордур. Ҳаракат қил, токи унинг усулини яхши билгил, нуҷумларнинг тақвим (тўғрилаш) муқаддимасини тўғри тузгил. Нуҷумларнинг толенни дуруст билгил. Агар нуҷум толенни яхши билсанг, башоратнинг асли ҳам тўғри келгусидур, тахминий толега эътимом қилмагил. Намудорот (гороскоп) — ўрта аср мунажжимларнинг юлдуз қарайдиган асбоблари) ҳисоби тўғри чиққонда сўнг нуҷумлар ҳолатидан чиққон ҳукминг ҳам тўғри бўлгусидур. Масалан, толе (юлдузнинг) чиқиши ва толе даражасидан, ой ва ойнанинг бурж (қадимги астрономияда кўшнинг йиллик доирасидаги ўн икки нуқтанинг ҳар бири, масалан, буржи ҳамал, буржи савр)ларидан ва нуҷумларнинг ойна қандай қилиб яқинлашувидан хабардор бўлгил. Яна шундай нуҷумлар ҳам борки, уларнинг чақнаб туришидан огоҳ бўлгил. Булар шундай нуҷумларки, улар худди оқ наргиз гулига ўхшайдур ва худди наргиз янглиғ бўйсунгондек қўриқулар. Улар юксак мартаба, бахт-саодат нишонлари била тўғри—

нинг ҳаммасидан огоҳ бўлгондан сўнг ҳукмлар тўғрисида сўзлагил, шунда сенинг ҳукминг тўғри бўлгил. Бу жадвалнинг ҳукми эътиמודли устодлар томонидан шундай меҳнат била юзага келмиши, булар ёзув била машҳур бўлмиш эдилар. Унинг ўртасига қарагонлар кенг жойнинг йиғиндисини қўригонлар. Сен унинг тартибини яхшилаб ўйлаб кўргил, яъни бир хато рўй бермасун. Шунча эҳтиёт қилгонингдан кейин ҳам, ҳар қандай ҳукм этсам, шундай бўлади, деб эътиمود қилмагил ва сўзга ишонмагил.

Яширин фикрларни сўрасалар, айтилиши мумкин бўлгон ҳамма масалани айтверма, шунда ҳукмининг кўпи тўғри чиқиши керак.

Туғилишга келгонда, мен буни ўз устозимдан эшитгонманки, ҳақиқатда одамнинг туғилиши анодан туғилгон вақти бўлмайди. Эринг уруғи анонинг бачадонига тушади ва бачадон қабул қилади. Буни асли туғилиш дейлади, яхшилик ва ёмонлик у била боғланур. Била анонинг бачадонидан тушгон соғиди кўринишига буюк тахвил кубаро (ёнг улуг нарсанинг бир ҳолдан бошқа бир ҳолга кўчиши, ўзгариши) дерлар, тахвилнинг йилдан-йилга ўтишини ўрта тахвил дерлар... Эрак уруғида нимални кўриб, анонинг қорнига ҳам ўша ўтади... Буюк тахвил кубародаги тулуғни

ОШИҚ РИЁЗИЁТЧИ

ҲАЗИЛ

Севиб қолдим гул юзли қизни,
Тинчим «иккинчи тур узилди».
Дардим ошқор айламоқ учун
Ҳар хил модель — «диффур» тузилди.

Майли жоним, бўлинг «аргумент»,
Каминангиз Сизга — «функция».
«Максимум»лар — висол онлари
Ҳижронларим — «минимум» дея.

Истасангиз бўлиб «даража»,
Иқболингиз оширай минг бор.

«Илдиз ости» маконим бўлсин,
Рад этсангиз деб, булар бекор!

О, муҳаббат тилсим «лабиринт»!
Е «континуум» — қувватли тўплам.
Ҳатто буюк «Ферма жумбоғи»
Сендан содда қиёсда, билсам...

Не қилай мен, айтинг, азизим,
Сизга томон «оптимал» йўл не?
Бир умрлик тузайлик «каср»,
«Маҳраж» сизу, «суратингиз» мен.

Тортган оҳим чексиздан чексиз,
«Интеграл»дек дол бўлди қомат.
Интиламиз сизга «лимит»дек,
Кулар дебон бир кунни омад...

Шукрулло ТҒИЧИЕВ,
Низомий номли ТДПИ аспиранти.

ҲАР ТҒРИДА

ҚОҲИРА: Мисрда йўл ҳаракати қондаларини бузган ҳар олти кишидан бири ҳарбий хизматчи ёки полициячи. Қоҳирада чиқадиган «Ал ваҳд» рўзномаси йўл полицияси бошқармаси хабарларига асосланиб шундай маълумотларни эълон қилди. Ўтган йили йўл ҳаракати қондалари 6 миллион марта бузилганлиги рўйхатга олинган, шундан бир миллионга погон таққан кишилар улушига тўғри келади.

МАСЕРУ. «Култига жиддий муносабатда бўлинг!» — деб даъват этади кейптаулик табобат профессори Исаян Пилоски. У энг янги усуллар, шу жумладан, компьютерда барпо этилган «култи модели» ёрдамида ўтказган тадқиқотлар култи чоғида инсон юзидан мушаклар алоҳида омилни вуҷудга келтириши, улар а с а б тизмасига ва мия ишига хайрли таъсир этишини, асабларга дам беришини кўрсатди. Умуман, «Сиз кулинг, ана ўшанда бутун дунё сизга кулиб боқад» деган доно нақлни қолдириб кетган аждоғларимиз ана ҳақ бўлиб чиқишди.

БРАЗИЛИЯ. Бразилияда аҳолини рўйхатга олиш ҳаминша қутилмаган совғаларни келтириб чиқаради. Энг кекса эр-хотинлар, энг кўп сонли онла ва бошқа кўпгина қутилмаган янгиликлар маълум бўлади. «Фолья ди санпаулу» рўзномасининг хабар қилишича, Ақри штагидаги маҳаллий кишиларнинг номи жуғрофия ва ҳисоб миллий илмгоҳи ходимларини ажаблантирди. Мисол учун, Эдилтонвилдис о н о полис деган исми айтиб кўрингчи. Аденадаблиу ёки Асубанипал деган соддароқ вариантлар ҳам бор.

Маълум бўлишича, бу штатда Элвис Пресли ҳамда Тин Тёрнер исми жуға кўп одам яшар экан. Нострадамус Браз Илейру Ду Акри деган исми одам ҳам бор экан. Лекин Карл Маркс исми бирорта ҳам киши топилмади. Маҳаллий аҳолининг бой фарғазияси қишлоқларнинг «қаттиқ лония» ёки «писта кўмир овози» деган номларида ҳам акс этган.

Тошкентдаги 14-кечки ўрта мактаб томонидан Хулқар Ашуралиева Аҳмедова берилган 613886 номерли йўқолган ўрта маълумот ҳақидаги аттестат

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бош муҳаррир
А. Қ. ДОЛИМОВ.

БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

Гулчироғга онаси иккита конфет бериб деди:
— Менинг ширин қизимсиз?
— Яна конфет бераверсангиз, асал қизингиз ҳам бўламан, — жавоб қилди у.

— Энди муаллимам мени «яхши бола» дейдиган бўлдилар, — деди Азимжон дадасига.

— Бирор яхшилик қилдингми муаллима опанга ёки фанлардан ўқиниш юқорига кўтарилдингми? — сўради ота.

— Мен ҳар доим жисмоний тарбия, меҳнат дарсларида бир-бири билан жанжаллашадиган синфдошларини бошлаб тартибга чақириб қўяман-да, — дея кеккайди Азимжон.

Эргаш АТОВЕВ,
Навоий вилояти Қизилтепа ноҳиясидаги 28-мактаб муаллими.

ҚИЗИҚАРЛИ МУШОИРА

Республикамизнинг мустақил бўлиб ажралиб чиқиши Урганч ноҳиясидаги Сотиқ Қаландаров номли мактаб ўқувчиларини ҳам беҳад қувонтирди. Улар халқимиз қадриятлари тикланаётганлигидан мамнун бўлган ҳолда яқинда ўттир зеҳнийлар мушоирасини уюштиришди.

«Мустақиллик таърифида» деб номланган мушоирада мактабнинг 7-«Б» ва 7-«А» синф ўқувчиларининг «Ишонч» ва «Умид» ғуруҳлари ўзаро беллашди.

Мушоирада Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва миллий анъаналари йўлида жон фидо қилган шоир ва адибларнинг ҳаёти ҳамда ижодига бағишланган альбомлар, рефератлар тайёрланди, деворий газеталар чиқарилди.

Команда аъзолари мустақилликка, дўстликка ва биродарликка оид шеърларни ёддан ўқиди, ўзаро савол-жавоблар бериб, зукколикларни, топқирликларини намойиш этишди.

М. ЗОКИРОВА.



Гулга кирди бу боғлар,
Гулгун айлаб дудоғлар...

К. КАРИМОВ сурати.

Қутайилуиз!



ҚАДРЛИ НАСРИДДИН ТОШЕВ!

Сизни қутлуг 60 ёшга тўлган кунингиз билан Ромитан райони кўп минг сонли ўқитувчилари, халқ таълими ходимлари номидан муборакбод этамиз.

Узоқ йиллар мактаб ва маориф ишининг асл билимдони, муаллимларнинг доно устози, ёшларнинг ғамхўр мураббийси сифатида халқ обрў-эътиборини қозониб келдингиз. Ўқитувчи, директор, район ижроия қўмитаси раиси, район халқ таълими бўлими мудири бўлган кезларингизда ҳам ёшларни келажакнинг муносиб ворислари қилиб тарбиялашда қалб кўрингизни, меҳрингизни, куч-қудратингизни аямadingиз.

Умрингиз қарвони 60 ёшни қоралади. Сизни бугунги қувончи кунда яна бир бор қизғин қутлаб, мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, хотиржамлик ва оилавий бахт-саодат тилаймиз!

Бухоро вилояти Ромитан район халқ таълими бўлими жамоаси.

Муҳтарам Шарифа Қодирова!

Сизнинг ўнлаб кишиларнинг бошини бирлаштириб, улар билан кўзланган мақсад сари интилишингиз раҳбар киши учун асосийсидир. Шу сабаб, Гулистон шаҳридаги 9-мактаб жамоаси Сизнинг хурматингизни жойига қўйиб, ҳаминша ардоқлайди, сиз билан фахрланади.

Умрингизнинг 50-баҳорига рўпара турган ушбу кунда биз Сизга туганмас бахт, соғлиқ-саломатлик тилаймиз. Ишларингиз доимо илгариласин, орзуларингизга эришинг!

Гулистон шаҳар халқ таълими бўлими ҳамда мактаб жамоаси.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКСТРАСЕНСЛАР АССОЦИАЦИЯСИ

1992 йил 1 МАЙДАН ЭКСТРАСЕНС-ШИФОКОРЛАР ТАЙЕРЛОВЧИ БИР ОЙЛИК КУРСДА УҚИШ БОШЛанаДИ

Унда талабаларга Европа, Шарқ ва Урта Осиё тиббиёти меросини тиклаш, руҳий шифолаш, бионур қуввати кучли бўлган ҳислатлар инсонларни саралаш, қадимий яҳудий, христиан, будда ва ислом-маданияти анъаналари (бахшилар, қўшочлар, отинлар, маглар, дуо билан ўқиб даволоччи домлалар), даволаш усуллари ўргатилади. Энг муҳими, муқаддас Қуръон оятлари, ҳазрати Есин талаблари, ибн Сино, Луқмони Ҳаким кабиларнинг сўфийлик таълимотлари асосида ўқитилади.

Курсда малакали фан номзодлари, докторлар ва экстрасенслар лекция ўқидилар.

Курсни тамомлаганларга чет эъларда ишлаш ҳуқуқини берувчи (инглиз, рус, ўзбек тилларида) халқаро стандартдаги диплом берилади.

Уқишга, миллатидан қатъи назар, 18 ёшдан 50 ёшгача бўлган фуқаролар қабул этилади. Бунинг учун соғлиги ҳақида тиббиёт кўригидан ўтиши шарт. Узоқдан келганлар ётоқхона билан таъминландилар.

Манзилимиз: Тошкент, 700000. Маяковский кўчаси, 6-уй. Ҳамид Олимжон метроси бекати.

Маълумот учун телефонлар: 33-04-28, 67-22-37, 67-22-14, 67-77-09, 68-24-18.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58, 52-35, нашриёт диспетчер — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.